

“БОЖХОНА КОДЕКСИ”МИ ЁКИ “БОЖ КОДЕКСИ”?! “БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ”МИ ЁКИ “БОЖ ҚЎМИТАСИ”?!

Маликов Тохир Сатторович,

Тошкент молия институти “Молия” илмий мактаби раҳбари,

иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тошкент, Ўзбекистон

...Олдимизда қўйилган овқат нотўғри ёки сифатсиз пишириб келтирилганини сезсак, унга эҳтиёткорона қўл узатишимиз, табиий. Агар у “ачиган” бўлса-чи? Бу ҳолда “мезбон”нинг ҳеч (ҳар) қандай илтифотига қарамасдан, масалан, “меҳмон”ларнинг ўринларидан туриб кетиши ҳам – турган гап (табиий).

Менинг бу жайдари “фалсафа”мга жиддий эътироз билдирадиганлар бўлмаса керак?! Зеро, ҳаёт объектив реаллиги – шу.

Афсуски, баъзи ҳолларда, фан (ҳеч бўлмаганда, иқтисод илми) оламида – бундай эмас. Зеро, нотўғри талқин қилинган, мазмун-моҳияти бузиб кўрсатилган (ифодаланган) ва ҳатто, хато ёзилган баъзи ўзак “тушунча”ларни ҳам, узр, бемалол, асло (ҳеч) эътибор бермасдан, “мик” демасдан ва эътирозсиз “истеъмол” қилиб ётибмиз. Ишонмасангиз, “хамир учидан патир” сифатида, мана, менинг қуйида келтираётган “аргумент”ларимнинг айримларига бир эътибор беринг-а?!

Кундалик ҳаётимизда “Божхона кодекси” иборасини, кези келганда, тез-тез ишлатиб турамыз. Зеро, шундай “кодекс”имиз – бор. Унда акс эттирилган тартиб-қоидалардан амалий фаолиятимизда кенг фойдаланишга ҳаракат қилаётимиз ҳам. Илмий доираларда ҳам бу манбага бож масалалари (божхона масалалари эмас) тадқиқ этилаётганда тез-тез мурожаат қилиб турилади (қўл урилади). Бу “Кодекс”нинг қабул қилинганлигига бир неча ўн йил бўлди (бу ўринда унинг қайси йил ёки қайси санада қабул қилинганлиги принципаал аҳамиятга эга эмас). Шу орада унинг бир неча марта янги (қайта)дан таҳрир қилиниб, қабул қилинганлиги ҳам, ҳеч бўлмаганда, иқтисодчиларга – сир эмас. Унга турли-туман ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, унинг баъзи (кўп) жойлари тўлдирилди ва қайта ишланди ҳам. Хуллас, ҳаётимизнинг ўзи ўзгарувчан бўлганлиги учун бу “Кодекс” ҳам – доимий ўзгаришда. Буни тўғри қабул қилиб, ҳолисона эътироф этмоқ лозим.

Бирок, унга шу йиллар оралиғида (бу ўринда гап қарийб 35-40 йиллик давр тўғрисида кетаётир) кўплаб ўзгариш, тузатиш, тўлдиришлар киритилган ва ҳамон киритилаётган бўлишига қарамасдан, бизнингча, бир нарса (ҳолат)га эътибор берилмаяпти ёки у ҳозиргача эсдан чиқиб қолаяпти. Гап бу ўринда ушбу “Кодекс”нинг қандай номлан(аёт)ганлиги ҳақида кетмоқда. Унинг қандай (тўғри ёки нотўғри) номланганлиги ҳозиргача деярли ҳеч кимни ўйлашга мажбур этмаган. Ҳаммамиз унинг шундай номланганлигини табиий равишда тўғри деб қабул қилганмиз. Бунинг устига, унинг тўғри ёки нотўғри номланганлиги ҳақида бирор-бир жойда бирор марта, ҳатто бож масалаларига бағишланган фан доктори илмий даражасини олишга мўлжалланган диссертациялар ҳимояси жараёнларида ҳам бирор марта эътибор берилмаган ва шунга мос равишда, мунозара (дискуссия)лар ҳам пайдо бўлмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу масала устида бироз ўйлаб кўрайликчи, қандай “манзара”нинг гувоҳи бўлар эканмиз?

“Кодекс”имиз номининг бундай номланиши, яъни “Божхона кодекси” деб

номланишига шубҳа билан қарашда, унинг муваффақиятсиз ёки нотўғри номланганлигини исботлаб беришда, бизнингча, "старт"ни қуйидагилардан олиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, аввало, "Божхона кодекси" мизнинг, баъзи бир объектив сабабларга кўра, ўзимизга биров яқин бўлганлиги учун русчада қандай номланганлигига эътибор берайлик. Маълумки, унинг бу тилдаги номи – "Таможенный кодекс". "Таможенный кодекс" эса ўзбекчага "Божхона кодекси" деб таржима қилинмайди. Зеро, "божхона"нинг русча варианты "таможенный" эмас, балки "таможня"дир. Шу боис, кўриниб турибдики, "Божхона кодекси" мизнинг русча варианты (ҳам маъно ва ҳам сўзма-сўз таржима нуктаи-назаридан) "Таможенный кодекс" эмас, балки "Кодекс таможни" бўлиши керак. Бундай ибора ёки сўзлар бирикмаси эса ўз маъно-мантисига эга бўлмаганлиги учун, ўз навбатида, рус тилида ишлатилмайди. Шунингдек, Россия Федерацияси амалиётида шундай, яъни "Кодекс таможни" деб аталувчи "Кодекс" ҳам – йўқ.

Бунинг устига, фикримизча, бизнинг амалиётимизда "Божхона кодекси" иборасининг пайдо бўлишига, ўз навбатида, айрим манбаларда (биз бу ўринда, ҳатто айрим луғатларни ҳам назарда тутаямиз) "таможенные платежи"нинг ОНА тилимизда, энг камида эътиборсизлик билан, "божхона тўловлари" деб асоссиз ва нотўғри таржима қилинганлиги ҳам сабаб бўлган. Ҳолбуки, "божхона тўловлари"нинг русча "вариант"и "таможенные платежи" эмас, балки "платежи таможни"дир. Шунинг учун бу ерда "таможенные платежи" ҳам сўз ва ҳам маъно жиҳатидан "бож тўловлари" деб таржима қилиниши керак (ахир амалиётимизда "налоговые платежи" "солиқ тўловлари" деб таржима қилинади-ку!). У моҳиятан ҳам шуни англатади. Зеро, божхона юридик шахс сифатида бож тўловларини тўламайди. У шу тўловни, яъни божни уни тўловчилардан ундиради. Шунинг учун ҳам Кодекс, ўзига хос бўлса-да, лекин моҳиятан одатдаги ишхона ёки корхонадан мутлақо фарқ қилмайдиган божхонанинг фаолиятини эмас, балки бож муносабатларини тартибга солиши керак. У ҳолда шунга мўлжалланган ҳужжатнинг номи қандай бўлиши керак? У "Божхона кодекси" деб аталиши зарурми ёки унинг номи "Бож кодекси"ми? Мантиқан яққол кўриниб турибдики, бу ҳужжатнинг номи "Бож кодекси" деб номланиши лозим;

Иккинчидан, энди шу "кодекс", "бож" ёки "божхона" сўзларининг инглиз тилида қандай номланишига эътибор берайлик. Бу тилда "бож" "duty" деб аталади. "Божхона" эса "customs" деб юритилади. Ўз навбатида, "Бож кодекси" "Duty code" кўринишига эга. "Божхона кодекси" эса "Customs Code" тарзида ифодаланиши мумкин. Шундай бўлишига қарамадан, афсуски, бу ҳужжатнинг номи Буюк Британияда "Customs and Excise Management Act", Европа Иттифоқида "Union Customs Code", АҚШда эса "The Harmonized Tariff Schedule of the United States" деб номланган. Кўриниб турганидек, ҳатто уларнинг турли тарзда номланиши биз ҳавас ва доим ўрناق олишга ҳаракат қиладиган мамлакатларимизда ҳам бу масалада бир хил ёндашувнинг йўқлигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, биз назарда тутаяётган ҳужжатнинг номланишида тараққий этган мамлакатларда ҳам яқдилликнинг йўқлигидан – дарак. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу масалаларга баъзан эътиборсизлик билан қараш, биздагидек, уларда ҳам бор.

Шундай экан бундан, жумладан, энг муҳим иқтисодий (молиявий) ҳужжатларнинг номланишида ҳам хорижга кўр-кўрона сажда қилиш, фақат уларникини тўғри деб ҳисоблаш ҳамма вақт ҳам биз кутган тўғри натижани бермаслигининг мутлақо аниқ эканлиги келиб чиқади.

Юқоридаги икки бандда келтирилганлардан яққол кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳолда ҳам мана шу оддийгина мантиқий таҳлиллар биз кўтараётган масалани “Божхона кодекси”га эмас, балки “Бож кодекси” фойдасига ҳал қилаётир;

Учинчидан, бир томондан бир “кодекс”имиз “Божхона кодекси” деб номланиб турса-ю, иккинчи томондан, қолган “кодекс”ларимизнинг бари, жумладан, солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи “кодекс”имиз “Солиқ кодекси”, ер муносабатларини тартибга солишда асос бўлиб хизмат қилувчи “кодекс”имиз “Ер кодекси”, меҳнат муносабатларини тартиблаётган кодексимиз “Меҳнат кодекси” ва ҳ.к.лар тарзида номланиб турганда уларнинг фақат биттасига нисбатан бу муаммо (номланиш)ни ҳал этишда ўзгача тарзда ёндашилганлиги хатоликка йўл қўйилганлигидан дарак эмасми? Шу “вариант” (йўл) тўғри бўлганида, бундай вазиятда, ҳеч бўлмаганда, “Солиқ кодекси” “Божхона кодекси”га ўхшаш “Солиқхона кодекси” деб аталиши керакмасмиди? Бунинг эса – иложи йўқ. Бундай аталиши мантиқан нотўғри ва у мумкин эмас. Шундай экан, “Солиқ кодекси”нинг “Солиқхона кодекси” деб номланиши қанчалик, узр, абсурд (!!!) бўлса, “Бож кодекси”нинг ҳозиргача “Божхона кодекси” деб аталиб келинаётганлиги ҳам шунчалик абсурддир;

Тўртинчидан, бож муносабатларини тартибга солиб турувчи “кодекс”имизнинг Она тилимизда қандай номланиши кимларнингдир, жумладан, таржимонларимизнинг ҳам хохиш-истакларига боғлиқ эмас. Бу ерда аслиятни таъминлаш биринчи ўринга чиқмоғи даркор. Шунингдек, у ёлғиз илм-фан тараққиёти ва мантиққа таяниши керак. Бунда, ҳеч бўлмаганда, она тилимиздаги “бож тўловлари” ва “божхона”ни, баъзи бир сабабларга кўра, бизга яқин бўлган рус тилида “таможенные платежи” ва “таможня” ва аксинча русчадан ўзбекчага шундай деб таржима қилинишига эътибор беришнинг ўзи кифоя (етарли)дир. Бунинг устига, “бож” ҳам “солиқ” каби молиявий категория ҳисобланади. “Бож” ва “божхона” ўртасида “тенглик” белгисини қўйиб бўлмайди. Бу фикр “божхона тўловлари” ва “бож тўловлари”га ҳам - тегишли. Уларни синоним сифатида ишлатиш ҳам ўз маъносига эга эмас...

Демак, юқоридаги мантиқий мулоҳазалардан яққол кўриниб турибдики, бу ўринда “Бож кодекси”нинг ўрнида кундалик ҳаётимиз ва тегишли меъёрий (ҳуқуқий) ҳужжатлар ҳамда ҳатто расмий доираларда ҳам кенг фойдаланилаётган “Божхона кодекси” сўзини маъно-мазмун-моҳият нуқтаи-назаридан ишлатилишини ҳеч қандай (илмий, амалий, мантиқий, грамматик ва ҳ.к.) ўз асосига эга деб бўлмайди. Зеро, “божхона” категория эмас, балки ўзига хос бўлган идора (ишхона)нинг шундай номланишидир. У ўзида бож муносабатларини ифода этмайди. Шу маънода, унинг “ишхона” ёки “корхона” сўзларидан – фарқи йўқ. Бир пайтнинг ўзида, “Божхона кодекси” ибораси илм ва амалиётда худди “Ишхона кодекси” ёки “Корхона кодекси”дек, шартли маънода ва ўта тор доирада (ҳар бир корхона, ишхона ёки идоранинг ўз кодекси бўлиши мумкин бўлганидек) талқин қилиниши мумкин. Бу охириги икки “кодекс” қандай маънода ишлатилаётган ва талқин қилинаётган бўлса, “Божхона кодекси”га нисбатан ҳам шундай тарзда иш тутишгина ўз маъносига эга.

Хуллас, юқорида қайд этилганларга таянган ҳолда илмий-амалий фаолиятда бож муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳужжатнинг номи ҳозиргидек “Божхона кодекси” деб эмас, балки “Бож кодекси” деб юритилиши керак. Ўшанда у ҳам “Солиқ кодекси”, “Ер кодекси”, “Меҳнат кодекси”, “Жиноят-процессуал кодекси” ва бошқа шу каби кодексларга ҳамоҳанг ҳамда тўғри номланган бўлади. Худди шунингдек, масалан, “божхона қўмитаси”

деб аталиб келинаётган ташкилот (муассаса)нинг номи, мантикий қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда, “бож қўмитаси” деб номланиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда назарда тутаётган нарсамизни тўғри номлаган бўламиз. Ўз вақтида етарли даражада эътибор бермаслик туфайли йўл қўйилган ва ҳанузгача тузатилмасдан келинаётган хато тузатилади. Фанимиз аниқлик томон яна бир қадам ташлаган бўлади. Бундан амалиёт ҳам зиён (зарар) кўрмайди.

Ушбу мақоламиз доирасида қўтарилган масала, иқтисод (молия) илми тараққиёти нуқтаи-назаридан, бизнингча, принципиал аҳамиятга эга. Афсуски, у баъзи биров (илмга жиддий қарамаётган)лар назарида, улар тили билан айтганда, “бир тийинга қиммат масала” ҳисобланиши мумкин. Шундай ҳаёлга бораётганларга қарата “Бож кодекси”ни “Божхона кодекси” ёки “Бож қўмитаси”ни “Божхона қўмитаси” деб атаб, улар ўртасидаги фарқни кўролмаётганлар, йўл қўйилган хатоликка бефарқ бўлиб, уни тузатишга ҳаракат қилмаётганлар ёки шуни англамаётганлар, аслида, “Буюк Темур” бобомизни, эътиборсизлик билан, “Темирвой” ёки “Буюк Пётр”ни “Петка” деб аташлари билан бир хилдир, дегимиз келади. Ҳолбуки, шундай деб атаб ва ишлатиб кўрайликчи, “илм-фан нони”ни “еб” юрганларнинг холи не кечаркин?!...

Хуллас, илмда ҳар бир “нарсани” ўз номи билан аниқ аташ керак. Атаганда ҳам уни тўғри аташ мақсадга мувофиқ. Бу, айниқса, “назарда тутилаётган нарса”ларга бевосита – тегишли. Фанда “у” деганда “бу”ни назарда тутувдим, дейиш мавҳумлик белгиси бўлиб, бундай ёндашув унинг тараққиётига эмас, балки аксинча, таназзулига хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай илм-фаннинг тараққиёти – аниқликда!